X-XII 1967

ОЛТИН КУЗ НЕЪМАТЛАРИ

Тошкентдаги Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида ташкил қилинган «Узум ва мевалар» кўргазмасини томоша қилган киши Ўзбекистон боғ-роғларини кезиб чиққандек бўлади. Кўргазмага барча областлардаги соҳибкор ва боғбонлар ўзлари етиштирган ширин-шарбат мева-чевалари билан қатнашганлар. Бу ерда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Давлат мукофотининг лауреати, машҳур соҳибкор Ризамат ота Мусамуҳамедов етиштирган олтин ранг узумлар кўргазманинг энг тўрига қўйилган. Ундан кейин Р. Р. Шредер номидаги узумчилик-боғдорчилик илмий тадқиқот институтининг боғларида етиштирилган ранг-баранг неъматларни кўрасиз.

Кўргазмага республикамиздаги юздан ортиқ колхоз ва совхозларданноз-неъматлар келтирилган.

Олтин куз неъматлари кўргазмасини ташкил қилишдан мақсад энг яхши мева навларини аниқлаш ва уларни етиштиришни зоналаштиришдир.

ИЖОДИЙ ҲАМКОРЛИК

«Ижодий хамкорлик — муваффақият гарови!» Тошкентдаги Максим Горький номли рус драма театри ижодий коллективи бу шиорга ҳамиша амал қилиб келмоқда. Юбилей йили мавсумида бу шонли традиция давом эттирилади.

Ижодий ҳамкорликни кучайтириш мақсадида мамлакатимиздаги театрлардан режиссёрлар таклиф этилди. Театрнинг янги мавсумдаги биринчи спектаклини саҳналаштириш Белоруссия ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби, атоқли режиссёр Ю. Орнянскийга топширилди. Максим Горькийнинг «Сўнггилар» номли бу асари театр коллективининг навбатдаги ижодий ютуғи бўлди.

Янги мавсумда томошабинларга драматург М. Булгаковнинг «Иван Васильевич» номли комедияси ҳам тақдим этилади. Комедия театр томонидан таклиф этилган москвалик режиссёр, РСФСР да хизмат кўрсатган артист Д. Вурос бошчилигида саҳналаштирилади.

БИЛИМ ЮРТИ БИНОСИ

Пушкин кўчасида қурилаётган профессионал-техника билим юртининг биносини Октябрь тантаналари кунига қадар ишга тушириш мўлжалланган. Ҳозир бу ерда «Главташкентстрой»нинг 2-«Отделстрой» трести 30-қурилиш бошқармаси ишчилари жадал усулда ишламоқдалар. Айниқса Андрей Чернов раҳбарлигидаги бўёқчилар, Спиридс Константинидис раҳбарлигидаги сувоқчилар бригадаси смена нормаларини 130—140 процент бажариб куз-рувчилар ўртасида катта ўрнак кўрсатмоқдалар.

«Отделстрой» ишчилари билим юрти биносининг асосий ишларини муддатидан илгари — Октябрь ойида тамомлаш мажбуриятини олганлар.

ЎҚИТУВЧИЛАР БАЙРАМИ

Мамлакатимиз халқлари ўқитувчилар кунини кенг нишонлашди. Навоий номидаги Академик Катта театрда ўтказилган тантанали кечага юз минг кишидан иборат ўқитувчилар армияси вакиллари тўпланишди. Кечани Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитетининг секретари Р. Н. Бобомонова очди.

Ундан сўнг сўз Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қори Ниёзовга берилди.

Шунингдек, мўътабар ўқитувчиларни Ўзбекистон ССР Маориф министрининг ўринбосари С. Ф. Плахов, Совет Иттифоқи Қаҳрамони В. В. Карпов, Тошкент қурувчиси Ю. А. Никитин, 24-мактабнинг илғор ўқитувчиси З. Хомидхўжаева, Қаҳрамон она У. Солихўжаева ва бошқалар табриклашди.

Бундан ташқари Тошкент шаҳар жамоатчилиги томонидан келган кўплигина телеграммалар ўқиб берилди.

Тантанали кечадан сўнг Навоий номли театр артистлари опера ва балетлардан парчалар кўрсатишди.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2-йил чиқиши. 2 ОКТЯБРЬ 1967 й. ДУШАНБА № 231 (386). БАҲОСИ 2 ТИЙИН.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БИЗНИНГ ИНТЕРВЬЮ

КАРТОШКА МЎЛ

УЗБЕКИСТОН ССР САВДО МИНИСТРИНИНГ УРИНБОСАРИ В. П. ВИНОГРАДОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Шу кунларда Ҳамза. Салор. Келес станциялари Тошкентнинг «картошкахонаси»га айланиб кетди. Удмурдистон, Чувашистон, Татаристон ва Россия Федерациясининг бошқа ерларидан ҳар куни минглаб тонна картошка келтирилмоқда. Картошка ортилган поездлар Тошкентга ўтган йилдагига нисбатан ўн кун илгарироқ келди. Кунига ўртача 3 минг тоннадан кўп маҳсулот келтирилмоқда. 450 дан ортиқ автомашина станциялардан шаҳримиз омборларига, завод, фабрика ва ошхоналарнинг махсус складларига картошка ташимоқда.

Ўтган йили Россия Федерациясидан Тошкентга 36 минг тонна картошка келтирилган бўлса, бу йил 60 минг тонна олиб келинади.

Ҳозир учинчи ва тўртинчи мева ва сабзавот комбинатларида иккита картошка омбори қурилмоқда. Улардан бирининг ҳажми 3400 тонна, иккинчиси эса 7 минг тонна маҳсулотга мўлжалланган. Учинчи комбинатдаги 3400 тонналик омбор бу йил фойдаланишга топширилди. Баъзи омборлар қурилиши суст бормоқда.

«Главташкентстрой» га қарашли 3-қурилиш трести-нинг раҳбарлари объектларни ўз вақтида фойдаланишга топшир-масликни одат қилиб олганлар.

Ваҳоланки бу йил ўтган йилдагидан икки баравар кўп — 45 минг тонна картошка омборларда сақланиши керак.

Картошка поездлари ҳамон Тошкентга келмоқда. Марҳамат, ҳамшаҳарлар! Ундан истаганингизча харид қилишингиз мумкин.



Шарофат Мўминжонова «Ташзаготплодоовощторг»га қарашли намуналн 29-ширлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиш магазинининг илғор савдо ходимларидан биридир. Бу меҳнатсевар аёл харидорлар билан доим ҳушмуомала бўлиб, уларга намунали савдо хизмати кўрсатмоқда. Улуг Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган меҳнат вахтасида туриб ишлаётган Шарофат Мўминжонова маҳсулот сотиш бўйича йиллик топ-ширигини муддатидан илгари бажа-риш учун ваъда қилган.

Суратда: илғор сотувчи Ш. Мўминжонова.

М. Нуриддинов фотоси.

МУБОРАК Ё Ш

Райимжон ака Раҳимов Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини тиклашда босмачиларга қарши курашда актив иштирок этганлардан бири. Иниалобнинг дастлабки йилларидаёқ Райимжон ака меҳнаткашлар болаларини саводхон қилишдек муҳим ишда фаол қатнашди. Мактаб ва махсус курслар очди. Халқ маорифи соҳасида бир неча йил ўқитувчилик қилди. Қанчадан-қанча мутахассис кадрлар етиштирди.

Кейинчалик партия ва хўжалик ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлади.

Ҳозирги кунда Райимжон ака пенсияда. Куни-кеча ана шу кекса коммунист Райимжон ака Раҳимовнинг туғилганига 60 йил, меҳнат фаолиятининг 45 йиллигига бағишланган юбилей маросими ўтказилди.

Райимжон ака истиқомат қилаётган Пугачев кўчасидаги ҳовлисига униng ёру — биродарлари — Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини тиклашда у билан бирга иштирок этган кекса коммунистлар, революция ветеранлари тўпланишди.

Кекса коммунистлардан Бузруков, Баҳадбоевлар Райимжон ака Раҳимовнинг Ўзбекистонда Совет ҳокимиятини тиклаш йиллари ҳақидаги хотираларини сўзлаб беришди.

МАНГУЛАР ШАРАФИГА

Медицина институтининг коллективи Улуг Ватан урушида ҳалок бўлган ўзбек медикларининг хотирасини абадийлаштириш мақсадида институтда ёдгорлик ўрнатишга аҳд қилган эди. Бугуни кунда мангулар шарафига қўйилган ёдгорлик салобат билан турибди.

Ёдгорликни қуриш ишини институт шифокорлари олти минг сўмга яқин пул тўпладилар. Ёдгорликни очишга бағишлаб митинг ўтказилди. Митингда сўзлаган институт партия ташкилотининг секретари Р. А. Капкаев, профессор В. М. Мажидов, доцент С. А. Долимов, И. П. Рудченко ва бошқалар Улуг Ватан уруши йилларида душман билан курашиб, Совет Армияси каҳрамонларига шифо бахш этган дўстларининг номларини ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олдилар.

Профессор В. М. Мажидов лентани кирқди. Шундан кейин ёдгорлик ёнига ранг-баранг гуллар қўйилади.



Бу суратдаги қиз пойтахтимиздаги қурилишларда фидокорона меҳнат қилаётган «Главленинградстрой» қурилиш-монтаж поездининг энг илғор гишт терувчиси Т. Николаева. Бинокор қиз юбилейга ўз шахсий совғасини тайёрлашдек яхши ният билан фидокорона меҳнат қилмоқда. Кундалик иш сменаси давомида 1000-1200 тага етказиб гишт термоқда.

СУРАТДА: бинокор Т. Николаева.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.

Муносиб баҳо

Студентлар шаҳарчаси яна бир муҳташам бино билан бойиди. У 600 ўқувчига мўлжалланган тўрт қаватли музика мактаб-интернати биносидир.

Санъат ўчоғида ёруғ синфлар, катта концерт зали билан бирга овозларни, куйларни магнит плёнкаларига ёзиб олувчи хоналар-гача мавжуд.

Яна бир неча кундан кейин бу бинода ёқимли куйларнинг садолари янграй бошлайди.

Мактаб қурилишини 6- ва 2-«Отделстрой» трестларининг бинокорлари тайёрладилар. Бинони фойдаланишга қабул қилиб олган давлат комиссияси қурувчиларнинг меҳнатига муносиб баҳо берди.

Меҳнат муқаддимаси

Ҳордиқ чиқариш баракали меҳнатнинг муқаддимасидир. Белоруссиялик азаматлар меҳнат қилишни ҳам, дам олишни ҳам ўрнига қўйишади. Қурилиш-монтаж поездида дам олишни мароқли ўтказиш учун ҳамма тадбирлар кўрилаётир.

Саёҳатни истаганлар бирон марта ҳам армонда қолишмади. Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига бир неча бор саёҳат ташкил қилинди. Қардош қурувчилар бу қадимий шаҳарларнинг тарихий ёдгорликлари билан танишиб, у ерларнинг бугунги манзарасини ҳам томоша қилдилар.

«Билим» жамиятларининг лекторлари уларнинг ҳузурига тез-тез келиб туришади. Қизиқарли мавзудаги суҳбатлар савол-жавобларга айланиб кетади. Янги бадиий фильмларни кўриш канда қилинмайди.

Белоруссиялик қурувчилар қўшиқ ва рақсларни берилиб томоша қилишадм. Поезддаги қўшиқчилар, раққосалардан А. Краснобаев, В. Черкасова, Р. Белоглазова, К. Кофманлар ўз истеъдодлари билан етук санъаткорларга эргашишади. Бу талант соҳиблари ҳамкасбларини бир неча бор хурсанд қилиш билан бирга ҳарбий қурувчилар ҳузурида ҳам бир неча концертлар беришди.

Польша автомобиллари

Октябрь ойида тошкентликлар техника соҳасида ажойиб янгиликнинг шоҳиди бўладилар. Республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида Польша Халқ Республикасининг «Автомобиль ва гараж жиҳозлари» кўргазмаси ташкил қилинади. Кўргазма 17 октябрдан 31 октябргача ишлайди. Мухбиримиз кўргазма директори, Бутуниттифоқ савдо палатасининг вакили Василий Николаевич Сикачинский билан суҳбатлашди.

— Кўргазмани Тошкентда ташкил қилишдан мақсад қардош Польша Республикасининг автомобилсозлик соҳасидаги ютуқларини Ўзбекистон меҳнаткашларига намойиш қилишдир. Кўргазмани Польшанинг «Мотор импорт» ташкилоти ўтказади.

Совет Иттифоқи билан Польша Республикаси ўртасидаги ташқи иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, мутахассислар ўртасида кенгроқ тажриба алмашиш каби масалалар кўргазманинг мақсадларидан биридир.

Ҳозир кўргазма экспонатлари Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасига келтирилмоқда. Улар жуда кўп. 32 ўринли «Жук» маркали автобус техникасининг сўнгги ютуқлари асосида яратилган. Шунингдек, кўплигина юк машиналари, автофургонлар кўргазманинг асосий экспонатларидир. Бундан ташқари уч вагон турли хил гараж жиҳозлари олинди. Улар станоклар, запас қисмлар, гидравлик краилардан иборат.

Кўргазманинг иш куилларида польшалик мутахассислар консультациялар беришади. Турли хил тадбирлар ўтказилади.

Бундан ташқари Ўзбекистоннинг автохўжалик коллективлари кўргазмага таклиф қилинди.

Хуллас республикамиз меҳнаткашлари Улуг Октябрь байрами арафасида қардош Польша Октябрининг энбаҳш нури туфайли эришаётган ютуқларини кўришга муяссар бўладилар.

ДИЛДАН ТАШАККУР!

ШОДЛИГИМИЗ

Машиналар овози тиниб цех тинчиган, биз тикувчилар тушлика кетаётган эдик. Шу пайт радиокарнайдан дикторнинг овози эшитилиб қолди. Коммунистик партиямиз Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми тўғрисидаги хуш хабарни эшитиб, бирор янгилик бўлишини кутгандек қулоқ тутдик.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам ажойиб янгилик ўқиб эшиттирила бошланди. Совет халқининг фаровонлигини янада ошириш чоралари тўғрисидаги қарор қабул қилипти-ю, биз нуқул бир-биримизга қараб жилмаямиз, қалбимиз шодлик ҳисларига тўлиб-тошарди.

Хушхабариинг қаноти бор, деганлари шу бўлса керак-да, бир зумда у бутун фабрикага ёйилибди-я!

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча бу ғамхўрлиги ғайратимизга ғайрат қўшиб юборди.

Пленум қарорининг, 12 кунлик меҳнат отпускасини 15 кунга узайтириш, касаллик вақтида тўланадиган пафоса миқдорини янада ошириш, ишчилар ва ҳизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган солиқларни тағин ҳам камайтириш тўғрисидаги жойлари ҳам қалбимизни қувончга тўлдирди.

Август ойида коллективимиз пландаги 1800 та ўрнига 1870 та вёллар пальтоси ишлаб чиқарганди. Сентябрь ойи планини эса муддатидан 5 кун олдин бажардик.

Бундан буён ҳам, илғорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қиламиз.

Халима ҲАЙДАРОВА,
«Қизил тонг» фирмаси 7-цехининг тикувчиси.

ИНСОН ҚАДРИ

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Совет халқининг фаровонлигини янада ошириш чоралари тўғрисида»ги қарори барча совет кишилари қатори биз трактарсозларни ҳам руҳлантириб юборди.

Шу кунларда, пахта йиғим терими авжига чиқиан айни бир пайтда машинасозлар ҳам ғайрат кўрсатиб ишлашмоқда. Пахтазорларда биз ишлаб чиқарган тракторлардан ясалган пахта териш машиналари жаълон уряпти. Шундай долзарб кунларда яна ҳам кўлроқ тракторлар тайёрлаш учун тинмай меҳнат қилямиз. Бу бизнинг пахтакорларга катта ёрдаммиз бўлади.

Жонажон партиямизнинг янги қарори кучимизга-куч, ғайратимизга, ғайрат қўшиб юборди. Бунинг яққол далили шуки, қарор чиққан кунининг эртасига пландаги 67 та ўрнига, бир кунда 82 та «Т-28Х3» маркали трактарни бош конвейердан туширдик. Бу партиямизнинг ғамхўрлигига жавобан қилган зарбдор меҳнатимиз, нинг намунасидир.

Советлар мамлакатида инсон доим улуғланиб келди, инсон қадри бундан буён ҳам янада улуғланажак!

Абдураҳмон ОЛЛАНАЗАРОВ,
Трактор-йигув заводи янги техника бюросининг ишчиси.

СССР Молия Министрлиги ва СССР Давлат банки правлениесидан

СОВЕТ ҲОКИМИЯТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАШ УЧУН ЮБИЛЕЙ ТАНГАЛАРИНИ МУОМАЛАГА ЧИҚАРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига мувофиқ, Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини нишонлаш учун қиймати бир сўмлик, 50, 20, 15 ва 10 тийинлик юбилей тангалари 1967 йил 1 октябрдан бошлаб муомалага чиқарилади.

Давлат, кооператив, жамоат корхоналари, муассасалар, ташкилотлар, колхозлар ва айрим шахслар совет ҳокимиятининг 50 йиллигини нишонлаш учун муомалага чиқариладиган юбилей тангаларини ҳозирги вақтда муомалада бўлган тангалар билан бир қаторда тўловларнинг ҳамма турлари бўйича қабул қилиб олишга, шунингдек банклар, омонат кассалари ва почта корхоналари омонатга, жорий ҳисоб-китоб счётларига ёзиш учун, бир жойдан иккинчи жойга юбориш ва аккредитив қилиш учун чекланмаган миқдорда қабул қилиб олишга мажбурдирлар.

Юбилей тангалари юмалоқ шаклда бўлиб, уларнинг диаметри қуйидагича:

— қиммати 1 сўмлик танга — 31 миллиметр, саҳнининг қалинлиги 2,10 миллиметр;

— қиммати 50 тийинлик танга — 25 миллиметр, саҳнининг қалинлиги — 2,0 миллиметр;

— қиммати 20 тийинлик танга — 21,84 миллиметр, саҳнининг қалинлиги — 1,70 миллиметр;

— қиммати 15 тийинлик танга — 18,56 миллиметр, саҳнининг қалинлиги 1,60 миллиметр;

— қиммати 10 тийинлик танга — 17,27 миллиметр, саҳнининг қалинлиги — 1,30 миллиметр.

Қиммати 1 сўмлик ва 50 тийинлик тангалар ўнг томонининг ўрта қисмида ўроқ ва болға фонида В. И. Ленининг сурати бўлиб, чап қисмида «СССР» деб ёзилган ва беш қиррали юлдуз тасвири берилган. Танга тескари томонининг ўрта қисмида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг давлат герби тасвирланган. Бу герб қуйгура бўйлаб «Совет ҳокимиятининг эллик йиллиги» сўзлари билан ўраб олинган. Танганинг қуйи қисмида унинг қийматини кўрсатувчи «бир сўм» ва «эллик тийин» деган ёзувлар бор. Қиммати 1 сўмлик тангаларнинг сиртида «Улуг октябрга шон-шарафлар» деган сўзлар ва «1917—1967» рақамлари бор, қиммати 50 тийинлик тангаларда эса, нуқта ва юлдузчалар бор.

Қиммати 20 тийинлик танга ўнг томонининг юқори қисмида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг давлат герби тасвирланган, чап қисмида «1917» ва ўнг қисмида «1967» рақамлари бор. Танганинг қуйи қисмида «Совет ҳокимиятининг эллик йиллиги» сўзлари ёзилган. Танганинг тескари томонида «Аврора» крейсери тасвирланган, юқори қисмида «20» рақами ва «тийин» сўзи билан унинг қиммати кўрсатилган.

Қиммати 15 тийинлик танга ўнг томонининг юқори қисмида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг давлат герби тасвирланган. Танганинг қуйи қисмида «15» рақами ва «тийин» сўзи билан унинг қиммати кўрсатилган. Танганинг тескари томонида Мухинанинг «Ишчи билан колхозчи аёл» скульптура композицияси тасвирланган. Танганинг чап томонида «1917» ва «1967» рақамлари бор.

Қиммати 10 тийинлик танга ўнг томонининг чап қисмида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи давлат гербининг тасвири космик кема парвозининг орбиталари билан ўралган ҳолда тасвирланган. Танганинг ўнг қисмида «1917» ва «1967» рақамлари бор. Танганинг тескари томонида совет халқининг космик фазони ўзлаштириш соҳасида эришган жуда катта муваффақиятларнин нишонлаш учун қурилган монумент балқиб турган қуёш фонида тасвирланган. Танганинг юқори қисмида «10» рақами ва «тийин» сўзи билан унинг қиймати кўрсатилган.

Қиммати 20, 15 ва 10 тийинлик тангаларнинг сирти тарамтарам қилиб ишланган.



Коммунистик меҳнат зарбдори токарь Зайнаб Умерова Фрез асбоблар заводи асбобсозлик цехининг ветеран ишчиларидан ҳисобланади. Бу меҳнатсевар ишчи аёл шу заводда 22 йилдан буён узлуксиз ишлаб келмоқда.

Суратда: З. Умерова.

ЮБИЛЕЙ АСАРЛАРИ

Тошкент Давлат консерваториясининг катта залида Ўзбекистон композиторлари союзи правлениесининг III пленуми танталари равишда очилди. Пленум Улуг Октябрнинг шонли 50 йиллигига бағишланди.

Ўзбекистон композиторлар союзи правлениесининг раиси А. Жабборовнинг нутқи катта эътибор билан тингланди. Докладчи ёш ўзбек совет музикаси бисиб ўтган шонли йўл ҳақида гапирди.

30 сентябрь куни пленум қатнашчилари Самарқандга жўнаб кетдилар. Бу ерда улар Собир Бобоевнинг «Ёриятош» операсини томоша қилдилар. Бу биринчи ўзбек болалар операсидир. Иккинчи октябрда пленум қатнашчиларига Муқимий номидаги театрда А. Муҳамедовнинг «Гавҳари шамчироқ» музикали комедияси кўрсатилади.

Пленум программаси кенг ва ранг-баранг. Унинг иштирокчилари ҳамда қардош республикалардан келган меҳмонлар профессионал санъаткорлар билан бир қаторда музика мактабларининг ёш талабалари ижро этган нуй ва қўшиқларини, консерватория студентлари ҳамда Ўзбекистон Давлат филармонияси хор капелласининг чиқишларини эшитадилар ва томоша қиладилар. Ўзбек композиторлари юбилей арафасида янгидан-янги асарларини яратмоқдалар. Шунинг учун ҳам пленум алоҳида мазмун касб этмоқда.

А. ГЕХТЛЯР.

В. И. ЛЕНИН ЯШАГАН УЙДА

«ПАХТАКОР» МУХЛИСЛАРИНИНГ МУЛОҲАЗАЛАРИ

ТЕМУРЛАНГ ҚАСРИНИ ТИКЛАГАН УСТА

СОВЕТ РАЗВЕДКАЧИСИ ҲАҚИДА ЯНГИ ПОВЕСТЬ



124 КУН

«Смольнийдаги бу хонада 1917 йил ноябрининг ўрталаридан 1918 йил мартга қадар В. И. Ленин яшаган».



В. И. Ленин номидаги пионерлар саройида ташкил этилган «Дўстлик клуби»нинг ишлари айниқса диққат га сазовордир. Клуб аъзолари 15 иттифоқдош республика пионерлари ва ГДР, Куба, қаҳрамон Вьетнам ўқувчилари билан дўстлик мактублари ёзишиб турадилар.

Суратда: «Дўстлик клуби»нинг раҳбари Роза Полуянова ўқувчиларни Кубадан келган дўстлик мактуби билан таништирмоқда.

Бу сўзлар 1917 йилнинг революцион Октябрь кунларидан кейин жаҳонга машҳур бўлиб кетган Смольнийнинг иккинчи қаватидаги эшиклардан бирининг ёнига ёзиб қўйилган. Дунёда биринчи пролетар революциясини тайёрлаш ва амалга ошириш кунларида қуролли қўзғолонга раҳбарлик қилган коммунистлар партиясининг штаби шу ерга жойлашган эди. Ноябрда Смольнийга Ленин кўчиб ўтди. Унга олижаноб қизлар собиқ институтининг тарбияланувчиси бўлган мартабали хоним яшаб келган хонани ажратиб беришди.

Энди бу хона — ёдгорлик музейи. Унда Ленин яшаган вақтдаги шароит акс эттирилган. Ёғоч тўсиқ хонани икки қисмга бўлиб туради. Бир қисми — ётоҳона бўлса, иккинчиси кабинет ва овқатланиш хонаси бўлган. Ленининг кабинети бир қават юқорида эди. Кабинет қаршисида унчалик катта бўлмаган қабул хона бўлиб, унда биринчи Совет ҳукумати — Халқ Комиссарлари Советининг раиси Ленин ишчи, деҳқон делегациялари, дипломатлар ва журналистлар билан учрашар эди.

Ҳукумат Москвага кўчирилгунга қадар Ленин Смольнийда 124 кунни ўтказди. У бу ерда расмий ҳужжатлар, лойиҳаларни ҳисобга олмаганда икки юзга яқин асарини ёзган.

«Бу, фақатгина жиддий иш эмасди, — деб ўша кунларни эслаган эди Надежда Константиновна Крупская, — бу асабларни ниҳоясигача таранглаштирувчи бутун куч-ғайратни талаб этувчи иш эди: фавқулодда қийинчиликларни енгиш, тинимсиз кураш олиб боришга, кўпинча ишдаги яқин ўртоқлар билан курашишга тўғри келди. Зотан, ярим кечада Ильич Смольнийда биз яшаган хона тўсиғи орқасига келгач, сира ухлай олмагани, яна ўрнидан туриб, кимгадир телефон қилиш, қандайдир зарур фармойишлар бериш учун тараддудланган бежиз эмас...»

28 октябрда (янги ҳисоб билан 10 ноябрда) Петроградга генерал Красновнинг казак қисмлари яқинлашиб келди. Буржуазия ҳокимиятни қайтариб олишга интиларди. Ленин пойтахт мудофаасига бошчилик қилди. Пулково яқинида Краснов отрядлари тормор келтирилди.

30 октябрь (12 ноябрь)да Халқ Комиссарлари Совети номидан Ленин ёзган «Ҳаммага, Ҳаммага» деган радиограмма бутун «дунёга ёйилди. Унда бутун ҳокимият Советларга ўтганлиги, контрреволюцион қўзғолонларни бостириш учун кўрилаётган тадбирлар, Совет ҳокимиятининг дастлабки декретлари тўғрисида хабар қилинган эди. Ленин томонидан ёзилган ва «Правда» газетасида 1917 йил 3 (16) ноябрда босилиб чиққан «Россия халқлари ҳуқуқлари Декларацияси» собиқ чекка миллий ўлкаларда революциянинг ривожланишида катта роль ўйнади. Декларацияда Совет давлатининг миллий масала бўйича программаси баён қилиб берилган эди.

1917 йил 18 (31) декабрда Владимир Ильич Ленин Смольнийда Финляндиянинг мустақиллиги ҳақидаги декретни имзолади ва уни финн делегациясига топширди. 1959 йилда СССРга қилган сафари вақтида Финляндия президенти Урхо Кекконен Ленининг музей-хонасига хотира тахтаси ўрнатди. Унда Финляндияга мустақиллик берилганлиги учун чексиз эҳтиром ва миннатдорчилик сўзлари ёзилган эди.

Смольнийда янги марказий бошқарув органлари — Халқ комиссарликлари тузилди. Большевикларнинг ўзлари мамлакатни идора қилиш санъатини ўргандилар ва буни ишчи ҳаётда деҳқонларга ўргатдилар.

Ленин Смольнийда «Деҳқонларнинг сўроқларига жавоб»ни ёзди, унда ер комитетлари помешчикларнинг ерларини ўз ихтиёрларига олишлари зарурлиги тушунтириб берилганди. Бу «Жавоб» Советлар съезди қабул қилган ер ҳақидаги декретни тушунтириб берди.

Ленин ўз мақолалари ва нутқларида социалистик революциянинг ижодий ёндашувчилик характерини, унинг навбатдаги вазифаларини тушунтириб берди.

1918 йил 15 (28) январда Ленин раҳбарлигида Қизил Армияни тузиш ҳақидаги декрет ишлаб чиқилди, уни Халқ Комиссарлари Совети маъқуллади ва қабул қилди.

Ўша январь кунлари Ленин «Меҳнаткаш ва эксплуатация қилинаётган халқ ҳуқуқлари Декларацияси»ни ёзди, у биринчи Совет Конституциясига асос бўлди. Совет давлати вужудга келган дастлабки кунларданоқ тинчлик ва халқлар ўртасида дўстлик снёсатини эълон қилиб, урушни тўхтатиш, ялпи тинчлик ўрнатиш учун нураш олиб борди.

Смольнийнинг оқ, акт зали Совет мамлакати тарихига кириб қолган ажойиб, унутилмас воқаларнинг гувоҳи бўлди. Бу ерда Советларнинг Иккинчи Бутунроссия съезди Совет ҳокимиятини эълон қилди. Бу ерда сулҳ ҳақидаги, ер ҳақидаги қонунлар қабул қилинган. Бу съезд ишини ўз кўзи билан кўрган Америка журналисти Жон Рид «Жаҳонни ларзага келтирган 10 кун» китобида мароқ билан ёзган эди.

...Эрталабдан то кеч оқшомгача Ленининг музей-хонасига экскурсантлар келишади.

«Бу жойни келиб кўриш ер юзидаги ҳар бир революционернинг орзусидир. Мен халқим озод бўлган ва буюк совет халқининг бирдари ҳисобланган даврда яшаётганим учун бахтиёрман. Хосе Видаль-Куба!..».

Умуминтилия меҳнат конфедерациясининг делегатлари қуйидагиларни ёзиб қолдирганлар:

«Биз Октябрь революциясининг маркази бўлган Смольнийни зўр ҳаяжон билан томоша қилдик. Социалистик революция учун энг оғир ва ҳал қилувчи кунларда буюк Ленин яшаб, меҳнат қилган хонага делегация алоҳида диққат эътибор берди. Революциянинг асосий ҳужжатларини ва социалистик революциянинг доҳийси яшаган камтаргина вазиятни ўз кўзлари билан кўрган дақиқалар италъян делегациясининг ҳамма аъзоларн хотирасида умрбод унутилмайди, қанча йил ўтса ҳам бу хотира ўчмас бўлиб қолади».

Ҳинд ёзувчиси Кришан Чандр:

«Ленин биринчи марта Совет давлатининг тузилганлигини эълон қилган залга, Ленин юрган коридор, у яшаган хона фақат совет халқи учунгина эмас, балки жаҳондаги ҳамма халқлар учун ҳам янги ҳаёт барпо этган инсон тўғрисида ноёб хотира бўлиб қолади...»

Бундай ёзувлар мингларчадир, чунки Ленин фақат авлодларнинг хотирасидагина эмас, балки уларнинг ишларида, шижоатида, келажак ҳақидаги орзу-умидларида ҳам яшамоқда.

Иосиф ОХОТНИКОВ.
(АПН)

Тошкентликлар — юбилейга

МЕҲРИ ОЛОВ

Темурланг каср ини кўпчилик кўрган. Шунда тошкентлик уста В. Олимжоновнинг ҳам хиссаси борлигини балки кўпчилик билмас. Ҳа, уста Валижон ака ана шу қадимий ёдгорликнинг мезонасини қайта тиклашга катта хисса қўшди. Икки йил давомида кўримсиз бўлиб ётган ёдгорлик ҳамманинг кўзига ташланадиган бўлди.

Меъморчилик санъатига бутун меҳрини бағишлаган Валижон ака қурилишнинг энг оғир участкаларига йўл олади. Ишнинг уддасидан чиққач, енгил нафас тортади. Чунки унинг қўлидан авлодларга эсдалик бўлиб қолувчи яна бир иш ниҳоясига етади. Бу устанинг кувончига кувонч бағишлайди. Уни янги ишларга ундайди.

Шундай ишлардан бирига у бошчилик қилади. Бундан ўн йил илгари Тошкент «Черёмушкаси»нинг биринчи ғиштлари қўйилган вақтлар эди. Ўшанда Валижон ака алоҳида комплекс бригада тузиб, Чилонзор массивини бунёд этганн отланди.

Ташландик ерларда биринчи уйлар бунёд этилди. Қурувчилар кувончига янги уйларга биринчи кўчиб келувчиларнинг шодлиги кўшилиб кетди.

Уй-жой массивининг дастлабки «А» сектори, кейинчалик бирин-кетин бошқа секторлари кад кўтарди. Дастлабки секторларда қад кўтарган уйларда бахтиёр ҳаёт ғаштини сураётган оилалар ана шу уйларни бунёд этишда фаол қатнашган меҳри олов Валижон аканн ҳурмат билан эсга олади.

Ҳар куни Тошкент вокзалидан мамлакатимизнинг турли бурчакларига йўл олаётган кишиларни учратасиз. Ўз салобати билан шаҳримиз ҳусниға ҳусн қўшиб турган ана шу вокзал биносининг биринчи ғиштини қўйганлардан бири Валижон ака Олимжонов бўлади.

Устага энг масъулиятли ишлар топширилади. Бу унга бўлган юксак ишонч, унинг касбига билдирилган катта ҳаснн нишонасидир.

Ҳозирги кунда Валижон ака баланд иморатлар қуриш трестининг 1-қурилиш бошқармасида ўз ҳалол меҳнати билан кўплар таҳсинига сазовор бўлянти.

Яқинда В. Олимжоновни ана шу трест иш олиб бораётган жойда — В. И. Ленин номли майдонда учратдик. У энди 45 кишидан иборат комсомол бригадага бошқош. У электр пайвандчи В. Мартинов пайвандлаган арматураларининг сифатини текшираётган эди.

— Бригадамизда, — дейди у, барча миллат вакилларидан иборат электр пайвандчилар, дурадгорлар, арматурачилар ва бетончилар меҳнат қилишяпти. Ўтган ой планнинг 200 процентга етказиб адо этдик. Бу иш кучининг тўғри тақсимланганлиги самарасидир.

Арматурачи Аҳмад Азимов, пайвандчи В. Успенко ва комсомол йўлланмаси билан келган фарғоналик бетончилар Каюм Мамателиев, Намоз Парпиевлар юбилей вахтасида туриб ишлаб, кунлик нормани 1.5—2 ҳисса бажаришмоқда.

В. Олимжонов устя бинокор. Эндиликда у янги Тошкентни бунёд этишда жонбозлик кўрсатиб ишлаб, ёшларга курувчилик касбини ўргатяпти. Унинг кўксини эса «Тошкент курувчиси» нишони безаб турибди.

Р. ХУЖАМОВ.

ЯНГИ ТОШКЕНТ ҚУРИЛИШЛАРИДА



Суратда: Қорақамиш массивида Навоий шаҳар бинокорлари томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилаётган янги кўп хонали турар-жой биноси. М. Нуриддинов фотоси.

Сўз — футбол ишқибозларига

«Пахтакор» бир ойли сафарда тўртта ўйин ўтказиб қайтди. Бу ўйинларнинг натижалари футбол мухлисларига маълум. Биз «Пахтакор»нинг тўрт ўйини ҳақида чарм тўп шинавандаларининг фикри билан таништирамиз.

ЭСКИ „КАСАЛ“ ҚАЧОН ЙЎҚОЛАДИ?

Зокир СОЛИХЎЖАЕВ,
«Таштрансспецстрой» 2-трестига қарашли 8-қурилиш бошқармасининг прораби.

Очиғини айтганда, «Пахтакор»нинг сафардаги ўйинлари мени ранжитди. Узингиз ўйлаб кўринг, тўрт ўйиндан иккн очко олиш, бу пахтакорчилар ўйинига «2» баҳо қўйиш деган гап.



Вячеслав Бектошев ҳужумда.

Н. НАДЕЖДИН фотоси.

«Пахтакор» ўйинчилари ҳам, тренерлари ҳам бундай натижани оқлаш учун қандай баҳона кўрсатишмасин, барибир ички очкони кўпайтира олмайдилар.

«Зенит» билан бўлган учрашувни олинг. Радио карнайлари олдида ваҳимачилик ва ожудмизни қулоқ қилиб ўтирибмиз. Ҳисоб 2:0. Энди «Пахтакор» ютади деб ишончимиз комил эди. Қаёқда дейсиз. «Пахтакор»нинг яна эски «касали» тутганга ўхшайди. Ютиб турган жойида (яна ҳисоб 2:0—ал) дуранг (2:2) натижага эришишди. Одамга жуда алам қилар экан.

«Пахтакор» ўз майдонида «Нефтяник» билан жуда яхши ўйнаган эди. Ана шунда пахтакорчилар учрашувнинг охиригача ғалабага ишонч руҳида ўйнашди. 3:1 ҳисобида ютқазиб турнб, 3:3 ҳисобида дурангга эришишган эди. Бу учрашув «Пахтакор»нинг бу йилги футбол мавсумидаги ўйинларининг энг олий чўққиси эди. Шундан кейин пахтакорчилар бокуликлар билан бўлганда гидек чиройли футбол кўрсатишмади. Борган сари шу чўққидан пастга тушиб кетишяпти. Бунга «Зенит», «Динамо» (Минск) билан бўлган учрашувлар яхши мисол бўлади.

«Пахтакор» 90 минутнинг охирги секундларигача ютуқ учун курашмаяпти. Шуниси ёмон.

„ЧИЛДИРМАСИГА ЎЙНАТАР“ ЭДИ

Риҳсибой СОБИРОВ,
«Узбексельмаш» заводининг мастери.

Ҳақиқатан ҳам «Пахтакор»ни ҳеч таниб бўлмай қолди. Ҳар бир кишининг имзоси бошқа бировникига ўхшамагандек, футбол командаларининг ҳам ҳар бирини ўзига хос ўйин услуби бўлади. Тбилиси, Киев, Москва, Минск динамочиларида бу нарса яққол кўзга ташланади. Тўрт коллективнинг ҳар бирида алоҳида-бири биридан ажралиб турувчи ўйин услуби бор. Тбилиси футболчилари юксак техникаси билан, минсклилар нихоятда юксак тезликда тактик планларини амалга ошириши билан Киев спортчилари ҳам жисмоний, ҳам техник жиҳатдан олий даражада тайёргарлик кўрганликлари билан, москваликлар эса кучли бир механизмни эслатувчи, тез ва ўринли манёврлар қилиб кулгина командаларнинг «бошини айлантириши» билан ҳаммага маълум.

Лекин, афсуски, «Пахтакор» ўзининг ўйин услубини йўқотяпти. Аввал лари «Пахтакор» фақат Москва командаларинигина эмас, иттифоқимизнинг бошқа энг кучли командаларини ҳам «чилдирмасига ўйнатар» эди. Эндичи?...

Ярим ҳимоячилар қаерда?

Зокир БОБОЕВ,
Тошкент тўқимачилик институтининг студенти.

«Пахтакор» иккинчи даврa ўйинларини анча дадил бошлаган эди. Лекин, сафардаги учрашувларни жуда ёмон ўтказди. Тўрт ўйиндан тўрт очко олиши ҳам фарз, ҳам қарз эди. Ишқибозлар кутганча бўлмади.

Аҳрор Иноятов ҳужумкор ярим ҳимоячи. Тўпни кутилмаганда тўсатдан зарб билан тепиши дарвозага қаттиқ хавф солар эди. Ҳозир бу нарса йўқ. Аҳрор кейинги ўйинларни ёмон ўтказаяпти. Баҳодир Иброҳимов анча сўниб қолди. У Эркин Абдураимов билан рақиб ҳимоячиларига кўп «ташвиш» келтирар эди. Ҳали ҳам «Пахтакор»да ярим ҳимоя масаласи ҳал қилинмаган. Раҳматуллаев ва Солохо ҳақида ҳам илиқ гап айтиб бўлмайди. Улар ҳимоячиларга ёрдамга келсалар, ҳужумчиларга кўмаклашишга улгуришолмайди. Натижада ҳужум тез барбод бўлади. Ярим ҳимоячилар ҳимояга берилиб кетиб, ҳужумга ўтишни гоҳида унутиб қўйишади.

Ҳимоячи Суюнов анча тажрибали бўлса ҳам, ўйиндан ўйинга маҳоратини сусайтириб юборяпти. Рақиб ҳужумчиларига гоҳ тўпни олдириб қўяди, гоҳида уларга етолмайди. Суюновда тезкорлик сусайиб кетган.

Резервни кучайтириш керак!

Рустам ИСЛОМОВ, УзФА механика илмий текшириш институтининг аспиранти.

«Пахтакор» ишқибозлар ишончини оқлолмаяпти. Бу тўғри. Бунинг асосий сабаби биринчидан асосий составдаги айрим ўйинчиларни ҳали асосий составда ўрин олишга муносиб эмаслиги. Иккинчидан, асосий составга тушиш учун лойиқ ўринбосарлар йўқлиги бўлса керак.

Шунинг учун асосий составдаги бирон ўйинчи жароҳат олса ёки ўйиндан чиқариб юборилса (бундай ҳол «Пахтакор» учун одат тусига кириб бормоқда) унинг ўрнини эгаллайдиган муносиб ўринбосар йўқ. Шунинг учун «Пахтакор» аранг дурангга эришаляпти ёки ютқизаяпти.

ИНТИЗОМ БОРМИ?

Хурсанд МАҲКАМОВ,
Ўрта Осиё нефть саноати илмий текшириш институтининг илмий ходими.

Кейин, «Пахтакор» дарги энг асосий камчилик, бу тарбия масалаларининг талабга жавоб бермаслиги ва интизомнинг йўқлигидир. Командининг зарбдор ҳужумчиси Геннадий Красницкий бу йилги футбол мавсумида учинчи марта майдондан чиқариб юборилди. (Охирги марта «Зенит» билан бўлган учрашувда). Куни кеча Минск шаҳрида «Динамо» билан бўлган матчда Сергей Доценко майдондан чиқариб юборилди. Буларнинг ҳаммаси командада тарбия, интизом масаласи жуда ёмон аҳволда эканлигини кўрсатади.

«Пахтакор»нинг бош тренери Б. Аркадьев ва команда бошлиқлари бундай кўнгилсиз ҳолларга чек қўйишлари керак.

В. Тевекелян



СОВЕТ РАЗВЕДКАЧИЛАРИНИНГ жасорати, шубҳасиз, кўплаб ўқувчиларни қизиқтиради. В. Тевекелянниинг «Жаноб Кочекнинг афишахонаси» номли янги асарининг бош қаҳрамони—Совет ра зведкачиси Василий Максимов ўттизинчи-қирқинчи йилларда фашизмга қарши кур ашда қатнашган.

Кўплаб ҳужжатли материллар китобга асос қилиб олинган. Бу материаллар ўша йиллардаги снёсий курашнинг кўпгина воқеаларини жонлантиради. Асар воқеалари Франция, Германия, Қўшма Штатлар, Швейцарияда бўлиб ўтади.

«Жаноб Кочекнинг афишахонаси» шу йил «Москва» журналида тўла босилиб чиқади.

УЛАР СЛОВАКИЯГАЧА ортиқча ҳодисалар-сиз етиб олишди. Словаклар яхши одамлар экан. Кўнгли очиқ, ҳазилкаш, жуда меҳмондўст, кўп жиҳатдан украинларга ўхшаш кетади. Ҳамма иш яхши борар эди. Василий, ҳатто гўё ўзи туғилган кичик шаҳарчага бориб ҳам келди. У ўз «қариндошлари» билан кўришди. Уларнинг чеҳрасига диққат билан тикилди. Исмлари, оталарининг исми, лақабларини эслаб қолди. Братиславда гўё ўзи битирган ҳунар мактабига кириб чиқди. У гўё шу ерда автомеханик мутахассислигини эгаллаган эди. Фақат гид билмаганлиги уни анча қийнаб қўйди. Унинг словакча гапларига ҳеч ким тушинмас эди: талаффузи ярамасди. Ғазаки тилни яхшилаб ўрганиб олиш учун Словакияда белгиланган муддатдан кўпроқ — уч ой туриб қолишга тўғри келди.

Чехословак паспортини олиш ҳам ҳарқалай силлиққина битди. Василий «туғилган» шаҳрининг бошлиги Россияда уч йилча яшаган экан ва Совет Иттифоқига ихлоси баланд экан. Бу ерда у Василийга ёрдам беришни илтимос қилинган хатни олди-ю, расмий справка тўғрилаб берди. Справкада шу ҳужжатни юборатувчи йигит чиндан ҳам Ярослов Кочек эканлиги, 1897 йилда туғилганлиги, Моренки Кочекованинг ўғли эканлиги ёзилган эди. Шундан сўнг, полиция бошқармасининг амалдори билан гаплашиш учун Братиславага бориб келган бошлиқ, Василийга қоғоз ёзиб берди. Хат полиция бошқармасига ёзилган бўлиб, Ярослов Кочекка, шунингдек, эри билан Швейцария ва Франция бўйлаб никоҳ сиёҳати қилиш учун кетаётган хотини Марианнага чет эл паспорти тўғрилаб бериш илтимос қилинган эди.

Братислава полиция бошқармасининг амалдори шаҳарча бошлиғидан 200 крон олгач (ўша пайтда катта пул эди), ортиқча саволлар бериб ўзининг бошини қотириб ўтирмади. Василий билан Лизанинг фамилияси, исми ва туғилган йили-ни ёзиб олди. Уларнинг фото суратини ўзлари билан солиштириб кўрди-ю, эртасига чет эл паспортларини тўғрилаб берди.

Шундай қилиб, узоқ сафар сари биринчи қадам қўйилди: Василий Сергеевич Максимов 1931 йили Чехословакия республикасининг фуқаросига, миллати словакка, эътиқоди католик динига, касби автомеханикка айланди. Унинг хотини Елизавета Владимировна эса Марианна Кочекова бўлиб қолди...

ЭРТАСИГА ТОНГДА грек байроғини осиб олган пароход Марсель савдо пристанига келиб тўхтади. Улар учта чемодан ва битта кичикроқ саквояж кўтариб, Полк территориясидан чиқдилар. Таксига ўтириб ўзларини арзон, аммо яхши мусофирхонага элтиб қўйишни илтимос қилдилар. Мусофирхонага жойлашишлари биланоқ, бугунги ишни эртага қолдириб ўтирмай, Франция автомобиль йўлларининг харитасини сотиб олдилар. Бу харита туристлар учун махсус чиқарилган экан. Мусофирхонадан ижарага автомобилар сотиладиган магазин адресини билиб олиб, ўша ёққа йўл олдилар.

* * *

Эртаси куни автомобиль сотувчиси билан келишувга мувофиқ роппа-роса соат 12 да мусофирхона эшигига 1929 йилда чиқарилган, номерлари ёзилган қора «фиат» келиб тўхтади.

...Францияниинг йўллари яъло даражада экан. Кўчанинг икки четида мевазор боғлар яшнаб турар эди. Дарахтлар айни гулга кирган, гоҳо машина йўлдан эмас, гулзор ичидан ёлиб бораётган туюларди.

Кечаси йўл чеккасидаги мусофирхонада тунашди. Мусофирхона хизматчиси ҳеч қандай ҳужжатни суруштирмай, уларга хона калитини топшириб қўяқолди.

Василийда Ривьердаги арзон баҳо пансионат адреси бор эди. Пансионат бекаси, сочлари оқарган, тенгқ юзли кампир уларни меҳмонхонада ўзи билан кутиб олди.

Ҳали курорт маъсуми бошланмаган бўлса-да, Ривьера аллақачон одамлар билан тўлиб кетган эди. Бу фаслда асосан қиладиган иши бўлмаган чоллар ва уйнаб кулишини кўнгли тусаб қолган кампирлар дам олишар эди. Денгиз суви анчагина илиб қолган эди. Кундуз кувлари олтин ранг қумли каттакон пляж ранг-баранг соябонлар, чумилганда ғийқиладиган қийинлар, катта-кичик машиналар билан тўлиб кетар эди. Қари-қартанглар кечқурунлари ўз ёшликларини қўмсагандек ҳолдан кетгунча хурсандчилик қилар эдилар. Ресторанлар, казино ва тўғри клублар дераза ларидан музика овозлари қуйилиб чиқар эди. Кечки костюм кийиб олган эркаклар, ялтироқ кўйлакдар кийиб, ўзгудай сатанг бўлиб олган кампирлар, яқиндлиб қолгунча рақс тушишарди.

Василий ҳар қандай вазиятда ўзини тута олар, табиатан камган йигит эди. Шунга қарамай агар зарур бўлиб қолса, қушмуомала ва сиқимтой бўлиш ҳам қўлидан келарди. Василий биринчи куниек дид билан қийинган ўрта яшар, кўринишдан енгилтакроқ сарғиш сочли Жан Жубернн кўз остига олиб қўйди.

Мосье Жубер доимо яхши кайфиятда юрар, ҳатто эналардан чиқаётганида ҳам ҳар хил опера ариларини ҳиштак қилиб чалар, тўғриси, буни яхшигина ўринлатар эди. Чамаси Жубер музикани севар эди. Василий у билан яқиндан танишиб олиш учун худди мана шу хусусиятдан фойдаланишга қарор қилди.

Бир оқшом, жонга тегувчи манда ёмғир қуйиб берди. Кўпчилик қуноқлар ўз хонасига бекинib олган эди. Шу кунн Василий мусофирхонадаги бир неча кишини хонасига таклиф қилди. Сўнгра хотинидан истаган бир қуини чалиб беришни сўради. Лиза пианинони яхши чалар эди. Рояль олдига ўтириб, куи чала бошлаши билан ҳамма унга ўгирилиб қаради. Ҳатто карта ўйнаётган қиморбозлар ҳам ўзининг муҳим ишини йиғиштириб, унга тикилиб қолишди. Жубер эса Шопен полонезини ўқитиб, оёқ учида юрганча рояль олдига борди. У қуйиниро-ҳат қилиб тинглар, чуқур ўйга чўмган эди. Лиза куйни тугатиши билан Жубер унинг қўлини олиб ўпди.

— Оҳ, мадам, — деб хитоб қилди у. — Сиз мусиканни ниҳоятда яхши чалар экансиз. Ўзингизнинг ажойиб қуйингиз билан менга, — у мусофирхонада ўтирган бошқа меҳмонларга қараб қўйди-да, давом этди, — ўйлайманки, фақат менгагина эмас, бошқаларга ҳам лаззат бағишладингиз. Раҳмат, катта раҳмат!

Шундай қилиб, яқиндан танишиб олишди.

(Давоми бор.)

АДАБИЙ МЕРОСИМИЗДАН

ХОСИЯТХОН ТИЛЛАХОНОВА



Мен Хосият Тиллахонованн 1924 йилдан ғойибона билар эдим. Чунки шу йили хотин-қизлар учун чиқарилган «Янги йўл» газетасида Хосият Тиллахонова, Ойдин Собировалар-нинг шеърлари ва суратлари босилган эди. У вақтда мен Марғилонда қизлар мактабида муаллималик қилар эдим. Уларнинг суратларини кўриб, шеърларини ўқиб мен ҳам шулардек бўлишни орзу қилдим.

1928 йили мен Самарқандга келиб, «Янги йўл» журналига адабий ходим бўлиб, ишга кирдим. У вақтда журнал муҳаррири Тожихон Шодиева бўлиб, Раҳим Али масъул котиб эди.

Орадан кўп ўтмай, Хосият Тиллахонованинг журналга ишга чақирилганини эшитиб қолдим. Бир неча кундан сўнг редакцияга ўша суратдаги сочи ёзиқ шоира кириб келди. У очиқ чеҳра билан тўппа-тўғри менинг столимга яқинлашиб, қўлини узатар экан, «Мен Хосият Тиллахонова бўламан — деди,— бугундан бошлаб бирга ишлаймиз».

Мен эса унинг ширинсўзлиги, очиқ, қулиб турган чеҳраси ва камтарлигига маҳлиё бўлиб, қўл бериб кўришганимни ҳам билмай қолдим.

Хосият ўрта бўйли, қизил юзли, шаҳло кўзли, 23 ёшлардаги жувон эди. Унинг қоп-қора сочлари қирқиқ, бошида кепка, қора юбка ва оқ кофта, унинг устидан узун оқ ипакдан эшилган учи полукли камар боғлаган эди. У вақтнинг модаси шундай эди-да!

У ишга ўтиргач, дам ўтмай папирос чекар, тутун ҳўлаган лаблари тамшаниб, лаззатланғандай бўлар эди. Унинг туриш-турмуши эркакшода, ғайрати ошиб турарди.

Ўша вақтларда хотин-қизлардан журналистлар йўқ даражада эди. Кўпинча, хотин-қизлар журналида ҳам эркаклар ишлар экан. Хосият Тошкентдан Самарқандга кўчиб келгандан кейин, тез кунда журнал муҳаррири ўринбосари ва мен масъул котиб бўлиб ишлай бошлик. Журнал редакциясида кўпинча фақат иккаламиз ишлардик. Материал уюштирар, таҳрир қилар, босмахонага юборилган материаллар терилгандан кейин корректурасини ҳам ўзимиз ўқир эдик.

Хосият ажойиб муҳаррир эди. Хизмат вақтида у ҳар қандай дўстлик, ўртоқликни йиғиштириб, иш устида гапирар, билмаганларга ўргатар, кўрсатма берар, буйруғини бажартирар, ишдан кейин эса, меҳрибон дўст ва яхши ўртоқ эди.

Самарқандда бўлган бир воқеа асло эсимдан чиқмайди. У менга бир мақола уюштиришни буюрди. Мен бу ишга совуққонлик билан қараган бўлсам керак, ўз вақтида бажармабман. У мени қаттиқ койиди, ҳатто «ишга бундай ўзбиларчилик билан қарайдиган бўлсанг, ариза бер, ишдан кет!»— деди. Бу менга қаттиқ туюлиб, қовоқ солиб ўтирардим.

Кечқурун Хосиятхон қўлидаги ишини папкасига солди-да, мен билан эшикка чиқар экан, хохолаб кулди, қўлтиғимга кириб, «энди қовоғингни очавер, уруш-араз идорада қолди. Сен билан мен ўша эски дўст, ўртоқмиз,» — деди.

— Шунча ҳафа қилдинг-ку, яна «дўст, ўртоқ»миз дейсан-а,— деб, унга қарардим. Энди унинг юзида идорадаги жиддийликдан асар йўқ эди.

— Сен шуни яхши бил! Иш вақтида сен журналнинг масъул котиби, мен муҳаррири, ишда интизом, маълум қоида бўлиши керак.

1930 йилда Ўзбекистон марказий Самарқандан Тошкентга кўчирилди. Шу муносабат билан «Янги йўл» журнали редакцияси ҳам шу ерга келтирилди.

Ёлғиз бўлганим учун Хосият ўзининг Шайхантаҳурдаги уйига мени ҳам олиб келди. Бу ерда бир йилдан ортиқроқ турдим. У жуда озода, саранжом ва сариштa хотин, болаларига меҳрибон эди. Шу билан бирга, маҳалласида кўзга кўринган жамоатчи, айниқса маҳаллада хотин-қизларнинг ягона маслаҳатчиси эди. Хосият ишдан келди дегунча маҳалла хотин-қизларининг бири келиб, бири кетарди. Улар уй-рўзғор, қайинона можароси, қиз узатиш ва ўқитиш масалаларида Хосият билан маслаҳатлашар, ундан йўл-йўриқ олиб қайтишарди. Ёрдам керак бўлса, Хосиятни бирга олиб кетар эдилар.

Хосият жуда сўзамол эди. У Қува районидаги Ленин колхозида бўлган хотин-қизлар мажлисида сўзга чиқиб, колхоз ишига аралашмай юрган ўнлаб хотин-қизларни колхозга жалб этди.

Шундай қилиб, «Янги йўл» журнали тугатилгунга қадар (1934 йил) Хосиятхон билан бирга ишладик. У шундан кейин умрининг охиригача Тўқимачилик комбинатининг кўп нусхали газетасида муҳаррир бўлиб ишлади. Мен эса халқ маорифи комиссарлиги ҳузурида чиқадиган «Ёш куч» журналида ишлай бошладим. Хизматимиз бошқа-бошқа жойда бўлса ҳам, биз ҳамон қадрдон бўлиб қолган эдик.

Маҳбуба РАҲИМ ҚИЗИ,
кекса шоира, шахсий пенсионер.

ДУГОНАМНИНГ ХОТИРАСИ

МУҲАРРИР, ШОИРА, ЖУРНАЛИСТ

Хосиятхон совет даврида Ўзбекистонда етишган биринчи журналист аёл ва талантли шоира эди.

Хосиятхон Тиллахонава 1907 йилда Тошкентнинг Девонбеги маҳалласида камбағал оиласида туғилди. Дастлабки маълумотни ўз маҳалласидаги эски мактабда олди. Революциядан кейин биринчилардан бўлиб, 1919 йилда Тошкент хотин-қизлар билим юртига ўқишга кирди ва уни 1923 йилда муваффақият билан тамомлади. Ўқитувчилик қила бошлади. 1924 йилда комсомол сафига кирди. Партия ишига ўтиб, хотин-қизлар орасида таълим-тарбия ва оқартув соҳасида фаол иш олиб борди. Шу билан бирга ўқишни ҳам давом эттириб, 1925-1927 йиллар орасида САКУ да (Ўрта Осиё Коммунистик университети) ўқиди. Хосиятхон шу йилларда журналистик фаолиятини ҳам бошлаб юборди. «Қизил Ўзбекистон» газетаси ва «Янги йўл» журналида қатор мақола ва шеърлари билан кўринди.

Хосиятхон 1923 йиллардан шеър ёзишга киришди. Нигирманчи йиллар адабиётига ўзига хос овоз билан кирган журналист ва шоира эди. Хосиятхон ўз шеърларида даврнинг энг муҳим ва актуал сиёсий-ижтимоий проблемаларидан бири — хотин-қизлар озодлиги, янги социалистик жамият барпо қилишда аёлларнинг роли ва ўрни масаласини зўр эҳтирос билан кўтариб чиқди. Шоиранинг 1923 йилда ёзилган «Уйғониш» шеърида хотин-қизлар озодлиги йўлида тўғоноқ бўлган кучларга нафрат билан ҳужум қилади:

Янги тилак, янги ҳавас,
янги куч,
Ҳозир мени ухлатгали
қўймайдир.
Ортиқ мени кучлама,
тўзимим йўқ,
Йўқол энди кўзларимдан,
эй тўсиқ!

Ўша йили ёзган «Интилиш» шеърида эса шоира ўзидаги бундай жўшқин ҳужумкорлик кайфиятларини янада ўткирлаштириб, мисраларга оташин руҳ беради:

Мени боғлаган
кишанларини,
Узиб, парчалаб
занжирларини,
Суриб бутунлай
монеларини,
Зудлик-ла бу йўлдан мен
ҳам бораман.

Шоира ўз шеърларида янги ҳаётни барпо қилиш, ўз инсоний ҳуқуқидан тўла фойдаланиш учун фақат тўсиқ ва тўғоноқларга нафрат баён қилибгина қолмайди, балки бу йўлда сабот-матонат билан, масурлик билан курашмоқ зарурлигини баралла сўзлайди, ўз дугоналарини — аёллар ҳуқуқининг ошкалдий ёвлари бўлган ёвуз кучларга қарши беомон курашмоққа ундайди:

Қўлликка сани элтган,
Дин номи билан сўккан,
Ҳақингга ҳужум этган,
Золим уйи ўртанди.
Қақшаб жигари ёнди.
Тур, богда бориб яйра,
Хизматга белинг боғла!
Байроқнинг тагни чогла!
Борлиқнинг юзин қулдир,
Шон бирла зафар тўлдир!
(«Қутлаш» 1924 йил).

Хосиятхон шеърларида эркин меҳнат қучоғига дадиллик билан отилган, эркаклар билан бир сафда туриб социализм пойдеворини қуришга мардонавор отланган хотин-қизлар мадҳи алоҳида эҳтирос ва ҳаяжон билан куйланади:

Фабрикадаги эркин
меҳнатнинг
Чин дўсти бўлиб, изидан
борай.
Ернинг хўжаси-деҳқоннинг
кизи
Трактор билан ашула
айтса.

(«Меҳнат қизи нима дейди» шеърдан. 1929 йил).

Шоиранинг «Қонли қўллар», «Қўзғалиш», «Баҳор», «Ўртоғим овози», «Эрк ташналарига», «Хафа», «Орзу», «Хуршида» поэмаларини ўқир эканмиз, уни даврнинг ҳар бир янги муаммосига ҳозиржавоблик билан «лаббай» деб майдонга чиққан, у давр поэзиясида сезиларли из қолдирган жанговар қалам соҳибаси эканлигига чуқур қаноат ҳосил қиламиз.

Хосиятхон «Янги йўл» журналининг ташкилотчиси ва узоқ вақт унинг масъул муҳаррири бўлиб ишлади. Кўпгина ёш қаламкашларнинг илк ижодий қаламларига раҳбар бўлди, адабиёт майдонига олиб кирди.

Хосиятхон Тиллахонова ижодий куч ва қудратга тўлган бир пайтда — 1937 йилда бевақт вафот этди.

ҚЎЗҒАЛИШ

Ҳар ёқда эркинлик —
Денгизи оқади.
Ҳар амал эркинлик
Меҳнатга ёқади.
Кўп узоқ ерларда
Энтиккан миллионлар
Шу каби яшашга
Интилиб ётади.
Биздаги ўзгариш
Шуълалар қўйнидан
Кўп узоқ элларга
Аланга сочади.
Биздаги юксалиш
Кўп мазлум дилларга
Қип-қизил маржондан
Эрк гули тақади.
Ҳар ёқда куч, меҳнат
Чақмоқлар чақади,
Бу кураш, бу исён
Вулқонлар очади.

Баҳор

(Ўзбек қизларига бағишлаб)

Кўкатлар, майсалар янада жонланди.
Бир боқинг, ўртоғим, ҳаволар созланди.
Лолалар япроғин қип-қизил очадир,
Қуёшда нурини ҳовучлаб сочадир.
Садафдек оқ қорлар ўйноқлаб кетдилар.
Кўмушдек сувлари далани босдилар.
Замҳарир совуққа розилик бермаган
Баҳорнинг энг гўзал чоғини пойлаган
Эргаш ҳам далага севиниб кетади.
Ҳар кетмон изидан олтинлар кутади.

ҲАБАШ ФИДОЙИЛАРИГА

Эрк истаб
Кўкларга қўлларин чўзган,
Шу юксак чўққилик
Ҳабаш тоғлари
Одамлар қонидан
Бўлмиш лоларанг,
Соддадил халқнинг
Чаман боғлари,
Оёқлар остида
Бўлдилар заранг.
Солинса қуёшнинг
Қонли этаги,
Осмондан заҳарли
Газлар эсади,
Бир мижжа қоқолмай
Гўдак киприги
Қийналиб, талпиниб
Шаъми сўнади.
Пулемёт тутуни
Яширган ойни,
Кўринмас кўзларга
Бир ёруғ парча,
Баҳордек ёшликлар
«Хашак» каби хор.
Баробар бўлмади
Бир пучак пулча.
Оқмоқда тўхтамай
Қонлар жаласи,
Кўкларга чирмашар
Фарёд ва нола.
Тинчлик дўстлари
Минорасидан
Ҳар нафас оташин
Садо келади,
СССР вакили
Дунё қалбидан
«Тортингиз қўлни!»—
Деб нидо беради.
Ғазабдан титрайди
Ернинг курраси.
Отилди вулқондек
Кучли бир талаб,
Ташланди миллионлар
Кўзин қирраси.
Торт қонли қўлингни,
Эй «олий насаб!»
Қон ялаб, аланглаб
Уринма бўшга,
Қулликни истамас
Қуллар қалъаси.
Мазлумлар исёни
Тўхтамас кучга.
Похолдан бўлса ҳам
Унинг чайласи.
Албатта, бу бинонг
Қулаб битажак,
Бугунмас, эртага
Дунё кулажак.

1935 йил.

ҒАМХОНА ЧЕЧАКЛАРИГА

Тун ваҳшати ҳам битди,
Тонг нури отиб етди.
Меҳнат сени кўп кутди.
Тур богда босиб яйрай
Дардингга даво изла.
Бурчакда ётиб ўйлаш,
Мақсадни бузуқ англаш,
Ғам-қайғу-ла дил доглаш,
Даври-да ўтиб кетди.
Ишлашга вақт этди.
Қулликка сени илга
Дин номи билан сўккан
Ҳақингга ҳужум этган,
Золим уйи ўртанди.
Қақшаб жигари ёнди.
Кел ишда кулиб яйра!
Хизматга белинг боғла!
Меҳнатни суйиб ундир.
Кўнглимга умид тўлдир.

ЯНГИ ТУРМУШ

Янги турмуш,
Янги куйни куйладик,
Эски турмуш
Дунёсига ўт қўйиб.
Янги йўлдан,
Янги издан бошладик,
Янги ёшлар,
Янги қизлар бир бўлиб,
Янги турмуш,
Бахтимиздир, жонимиз,
Қайғу-ҳасратдан,
Аламдан йўқ асар.
Янги турмуш,
Эрк йўлидир, шубҳасиз,
Мунда қуллик,
Хўрланишдан йўқ асар.
Қўлда байроқ.
Эрк куни шодлик билан
Кўрқмайин босдик,
Қадамни онг билан.
Янги турмуш йўлларин
Кўрсат, қани?
Биз очилдик,
Иш билан, хизмат қани?
Янги турмуш,
Йўлларига гул сочай,
Қип-қизил гулдай
Юзингдан бир ўпай.

1928 йил.

„ГУЛИСТОН“

«Гулистон» журналининг нав. батдаги 9-сони босмадан чиқди. Журнални очишингиз ҳамоно кўзингиз доҳий Ленин расмига тушади. «Ленин ва Ўрта Осиё» номли мақола диққатингизни жалб этади. Мақола муаллифи—тарих фанлари кандидати Қ. Хасанов. Мақолани ўқиб, жуда кўп янги фактлар, материаллар билан ҳам таништирасиз. Шу сақифанинг ўзида шоир Мирмуҳсиннинг янги шеърларини ҳам ўқийсиз. «Халқ дилида тириклар» сарлавҳаси остида босмачиларга қарши курашда ҳалок бўлган қаҳрамон комсомолларимиз номи шарҳланади ва халқимизнинг улар хотирасига бағишлаб ёзган термаларини ўқийсиз.

Кейинги сақифада фарғона. лик қаҳрамон қурувчи Турсунали Қаюмов ҳақида Бекмирза Махмудовнинг қизиқарли, ихчам лавҳаси ўрин олган. Илк профессоримиз Ҳусайнхон Ниёзий тўғрисида Рустам Раҳмоновнинг архив суратлари билан безалган очерки босилган.

«Гулистон» одатдагича бу сонида ҳам мунозарали «Тут» деган мақола берган. Ғабит Мусреповнинг ҳикоялари, ёш қаламкаш Омон Муҳторовнинг «Оддий воқеа» новелласи, Анвар Ҳожининг «Сакизялликлар» ҳам бор.

«Улуғбек қаерда ўлдирилди», «Собир Раҳимов дизмзяясида», «Лев Толстой неварасн ҳузурида» каби мақолалар ҳам ғоятда қизиқарли, янгиликларга тўла.

А. ХУСАНОВА.

Ҳумор

— Вой, ўргилай,
Дўстим
Эсон бормисан?
Узоқ йиллар
Кўролмадим,
Соғмисан?
Нега юзинг
Сариқ гулдай
Саргайди?
Ҳумор кўзинг
Ўланларни қарғайди?
Деб Лутфиной
Ҳумор билан
кўришди.
Қора кўзлар
Бир-бирига уришди.
Хаёл сурди
Ҳумор
Бир оз ўйланиб.
Қараб қолди —
Дўст юзига
Жилмайиб.
Ўйланишдан
Тутиб олди
Ўзини.
Савол берди.
Жовдиратиб
Кўзини:
Кечирасиз, танимадим,
Ёш жувон.
Айтинг, бизлар
Кўришганмизми
Қачон?
Сўзларингиз
Жуда иссиқ
Кўринур.
Яқин дўстлик
Аломати сезилур.
Шу куналарда
Бошим қотиб
Турибди.
Аллакандай



Хаёл билан
Тўлибди.
Ун уч йилдир
Кўча-куйни
Кўрмайман.
Уруғимни-авлодимни
Билмайман.
Ёлғиз менинг
Йўлдошимдир
Чор девор.
Айта қолинг,
Жоним,
Нима айби бор.
— Хайр, сенга
Танитайин ўзимни:
Ҳикояча
Айлабгина
Сўзимни.
Болалик чоғи
Эсингиздадир
Қўшни тепа,
Хуморжон!

Жажжи уканг
Неъмат эди,
Муроджон.
Биз шу ерда
Лола, гуллар
Терардик.
Муроджонни
Жондаккина
Севардик.
Ой ёғдуси
кучоғида
Ҳар куни
Ҳайри учов.
Бир отишни
Ўйнардик.
Ҳажимат*да
Тўптурмага келганда
Чол бобога
Ўптирма деб
Кулардик.
Оқ тепанинг
оёғида
Олтин кўл.
Ўзи кичик
эди, аммо
суви мўл.
Биз шу кўлда
Чўмилардик
Ўйнашиб,
Қайтар эдик
Уйимизга
Қувлашиб.
Гоҳи чоғлар
«Ғойворанинг» тагида
Кўкатлардан
Шайтон кафш
Тўкирдик.
Эсингдами,
Санобарнинг богида,
Айни кунининг
Исиб турган
Чоғида,
Жияк тикдик
Бир гала қиз
Ўтириб.
Катта ёнғоқ
Соясида дов
Қуриб,
Шунда Ғойиб
Бойваччанинг
Қизини,
Якка колхоз
Гумбаз, ялқов
Бўрини
Пистоки ранг
Ипаклари
Кўп эди.
Шу ипакдан
Сенда сира
Йўқ эди.
— Бир катимни
Қарз бергил, — деб
Сўрадинг.
— Эрта сенга
Бераман, — деб
Тиладинг.
Унамадн
Беришга.
Ипагини килди
Ингиб
Сариштa.
Қатнм торттинг
Юз беркитиб,
Буралиб.

(ПОЭМАДАН ПАРЧА)

Изза бўлиб.
Гул юзларини
Қизариб.
Қарамадинг
Араз килиб
Бўрига
Бой қизидан
Ҳасрат килдинг
Ҳайрига.
Танидим!
Оҳ!!! — деб
Сўзни бўлди
Ҳумор.
Қизариб
Икки юзи
Ҳудди анор.
Яна кайтадан
Қучоклашиб
Кўришди.
Кўз косалари
Ёшга тўлишди.
— Ўйламагаи эдимки,
Сени кўрарман.
Ёшимни тўкиб
Арзим дейрман.
— Нега кўзинг бўлди,
Хуморжон
Ёшлик?
Бизга доим-ку,
Партия бошлик,
Партия дегининг
Нима? Яхши
Тушунолмайман
Ҳали айтдим-ку,
Остонани
Кўрмайман.
Якинда колхоз
Мажлисига чиқдим.
Шундагина
Озодликни
Эшитдим.
Лекин буни у
Билгани йўқ.
Билса килади мени
Ер юзидан йўқ.
Қани, айт-чи,
Қаерда эдинг,
Жоним?
Бағрим, юрагим,
Болаликдаги
Ўртоғим?
— Билсанг, мени
Шу колхозининг
Зарбдори
Оқ мамуқдай
Пахтанинг ёри.
Тим кора чимматни
Аллакачонок
Отдим.
Янги турмуш
Сари
Кулоч очдим.
Газеталарни
Яхши ўкийман,
Журналларга-чи,
Хабар тўкийман.
Ўзим кабиларни
Озод этишда
Колхозининг кучоғига
Тортишда
Кун-тун
Демай ишлайман.
Ўз мехнатим билан
Тишлайман.
— Яша, ўртоқ!
Мен каби бўлма.

Авжи очилиш чоғда
Хазондек сўлма.
Қани, энди.
Арзимга
Қулоч сол.
Дардимга чинакам
Бўл ёр.
— Хўб, бўлмаса.
Уйга борайлик.
Тинч бир ерда
Арзингни кўрайлик.

АРЗ

— Биласан, отам
Чорикор эди.
Устига устак
Жўжавирдек
Жон эди.
Бойнинг нишхўрдидан
Ёлрдик
Шу билан, Лутфиной,
Яшардик.
Бир куни бой
Отамни кўп урди.
Катта калтак
Уриш зарбидан
Синди.
Шу билан бечора
Касал бўлди.
Оқма бир дардга
Мубтало бўлди,
«Оҳ» деди
Бир парча нонга
Зор бўлди.
Айланай Лутфижон,
Адо бўлди.
Икки укам қолдик
Бир онам бошлик.
Чиркираб қолдик,
Кўзимиз ёшлик.
Ҳасратим кўп,
Айта олмайман.
Хат-саводим йўқ.
Битаолмайман.
Еттиси ўтмасдан
Бой кипи кўйди.
Бечора онам
Жонидан тўйди.
«Ёш болани
Сира беролмасман.
Маслаҳатга сира
Кўнолмасман.
Она сути оғзидан
Кетгани йўқ.
Отасининг кирки ҳам
Ўтгани йўқ.
Энди ўн иккига қадам
қўйди.
Етти кунда болам
Гул каби сўлди.
— Боқмадилар онамнинг
Бундай додига.
Эркимизни олдилар
Қўлга.
Бир кун илгари
Шу куни
Онам жуда кўп
Йиғлади.
Мени бағрига
Олди.
Ёш укамга
Маммасин
Солди.
«Мени онам

Туғмайин ўлсин.
Бой ўлгир
Тўғиз кўпсин.
Ёш болани
Қандай қилиб
Эрга бераман.
Қайси кўз билан
Уни кўраман.
Энди, болам,
Майиб бўлиб
Қолади.
Айни ўн иккида
Гул каби сўлади.
Эримни ўлдиргани
Етарди.
Етти пуштимга
Етиб ортарди.
Қирк бешга кирган
Киши ўлгурни
Ақли йўқ
Кажавадек
Қорни ўлгур
Тўқ
Нега шуларни
Ўйламасикин?!
Ҳолимизга раҳм
Қилмасикин?!
Боламга бургут
Чангал солса,
Бир жекириб юрагини
Олса.
Шўрим қурсин.
Энди нима қиламан.
Қайси даргоҳга
Бориб дод
Дейман.
Шуларни кўрган
Кўзим ситилсин.
Мени қақшатмай
Бойгина ўлсин»,—
Деди-да, жуда кўп
Йиғлади зор.
Кўз ёши мисол
Абри навбаҳор.
Келди қошига
Дастурхончи.
«Қўй, йиғлама,
Халчабиби,
Яхши фол
Эмас тўйда
Йиғи.
Энди, тақдир.
Тўйини бошлайлик,
Ғамларни орқага
Ташлайлик.
Бу кунинг ҳам
Унутилиб кетар.
Сенга ҳам
Яшаш куни етар»,—
Деди-да, онамни юпатди.
Бу куни тўй
Онамнинг кўнглига
Чирок ёқса
Ёримайди.
Кимсани тўйга
Айтгали бормайди.
Уйимизда бир тўда
Хотинлар.
Кимгадир янги кўрпа
Тикарлар.

* Ҳажимат—қизларнинг тўп. тош ўйини

ЎРТОҒИМ ОВОЗИ

Отам жоним, кўзим, эй қиблагоҳим!
Сўзим, арзим сиза фарёди оҳим!
Раҳим айланг биза, фарзанд эрурмиз,
Паранжиларда кўп қийналди жоним.
Кўринмасму отага тенг ўғил-қиз?
Ёмонму ўнг кўзингиз ёки сўл кўз,
Ёмон деб ким этар дилдан жигарни?
Хусусан, меҳрибон, шафқатли, ёлғиз
Менинг-чун ҳадя қилдингиз фалаклар,
Бўюн эгсин қизимга деб малаклар.
Бунинг устига илм ўлса мунаввар,
Тилаклар йўлга бошлаб, иш тарақлар.

1926 йил.

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ 3БЕТ

2 ОКТЯБРЬ, 1967 Й.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИОДАН ЭШИТИНГ

ДУШАНБА 2 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ

18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 Ипполитов-Иванов. «Ася» операсидан лирик саҳналар.
18.40 Балетлардан рақслар.
19.20 Композитор И. Бахшиш қўшиқлари (татарча).
20.00 «Полярная звезда» коммунистлари (русча).
20.10 «Гусли». Музикали очерк.
20.45 **Тошкент Ленин номли майдон қурилишида»** деган эшиттириш (ўзбекча).
21.00 **Қишлоқ хўжалик ходимлари учун концерт.**
21.35 **Саломатлигингиз ҳақида икки оғиз сўз** (ўзбекча).
21.40 **«Улуғ Октябрь хроникаси»** (ўзбекча).
21.50 Москва. «Улуғ Октябрь хроникаси». Сўнгги ахборот.
22.15 **Вальс кечаси.**
22.40 **Замондошларимиз.** С. Абдуқаҳҳор. «ОКТЯБРЬ ҚИЗИ» очерки (ўзбекча).
23.20 **Ўзбек халқ куйлари.**

ИККИНЧИ

19.00 Ўзбекистон артистлари ижросида рус композиторларининг романслари.
19.30 С. Мусахўжаевнинг «Қулоқсиз» ва А. Лесянкинг «Мовий соҳил» деган ҳикоялари (русча).
20.10 Ўзбек кантаталаридан парчалар.
21.00 ШОНЛИ ОКТЯБРЬ 50 ЙИЛЛИГИГА. С. Кароматов. **«Бир томчи қон»** повестидан парча (тожикча).
21.20 «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. Такрорий эшиттириш.

СЕШАНБА 3 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ

8.25 **Ўзбек халқ куйлари.**
9.30 М. Муҳамедов ижросида най наволари.
10.10 П. И. Чайковский. Скрипка ва оркестр учун концерт. Н. Школьникова ижро этади.
10.30 **Ўзбек операларидан парчалар.**
11.15 Партия маорифи системасида янги ўқув йили. «Кадрларни ғоявий жиҳатдан чиниқтириш» (русча).
11.25 **Ёш ижрочилар концерти.**
12.15 **Куйлардан — қўшиқларга.**
13.40 Рус халқ хорлари концерти.
18.00 «ПРАВДА» газетасининг обзори (ўзбекча).
18.10 **Спорт эшиттириши** (ўзбекча).
18.40 **Чолғу куйлари.**
19.30 **Футбол.** «ПАХТАКОР» — «ДИНАМО» (Москва). «Пахтакор» стадионидан репортаж олиб эшиттирилади.
20.15 **«Ислоҳот марралари».** Ўзбекистон ССР Давлат план комиссияси раиси ўринбосари М. Ҳўжаев сўзи (русча).
20.25 **Концерт.**
20.45 **Коммунистик ахлоқ ва тарбия мавзуларида эшиттириш** (ўзбекча).
21.00 **Пахтакорлар учун концерт.**
21.40 **«Улуғ Октябрь хроникаси»** (ўзбекча).
21.50 Москва. «Улуғ Октябрь хроникаси». Сўнгги ахборот.
22.15 **Композитор Сайфи Жалил асарларидан концерт.**
22.40 **Октябрь 50 йиллиги олдидан. «Ўзбек ҳикоялари антологияси».** Ғ. Ғулом. **«Шариат найранглари»** (русча).
23.20 **Янги Тошкентни қураётганлар учун концерт** (ўзбекча).

ИККИНЧИ

7.15 Қардош республикалар қурувчилари учун концерт.
8.25 Болтиқ бўйи композиторларининг енгил куйлари.
19.00 **«Дўстлик ва тинчлик куйчиси».** Француз ёзувчиси Луи Арагон туғилган кунининг 70 йиллигига (ўзбекча).
19.30 Прага миллий театрининг солисти Н. Книплова концерти.
20.10 **Рақсга марҳамат.**
21.00 **Пахта терими илғорлари учун концерт** (тожикча).
21.30 Электр чолғу асбоблари ҳақида очерк.

УЧИНЧИ

14.00 Туркманистон артистларининг концерти.
17.30 «Қизил флот қўшиқларда» деган музикали эшиттириш.

ТЕЛЕВИЗОРДА ТОМОША ҚИЛИНГ

ДУШАНБА 2 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ

Ўзбек тилида:
18.00 Болалар учун эшиттириш.
Рус тилида:
18.30 Телеянгиликлар.
18.45 **«Ватан солдатлари». Телевизион бадиий фильмнинг биринчи серияси.**
19.45 Эшиттиришлар программаси.
Ўзбек тилида:
19.55 **Оламда нима гап?**
20.10 **Бадиий фильм.**
21.30 Телеянгиликлар.
21.50 **Телевизион театр.** Азиз Несин. «ҲАЁТ — АЧЧИҚ ҲАҚИҚАТ».

ИККИНЧИ

Ўзбек тилида:
18.00 **Ўқув эшиттиришлари программаси.** Ўзбек адабиётидан.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
18.50 Ўқувчилар учун. «Икс плюс игрик» деган илмий-оммабоп эшиттириш.
19.30 Эфирда **«Молодость».** Комсомол жанговар қурилишларидан репортаж.
20.00 Рассом ва замон.
20.30 Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик санъати.
21.00 Телеянгиликлар.
21.30 Партия маорифи системасида ўқув йилининг бошланишига бағишланган эшиттириш.
22.00 **«БРИГАДАДАГИ АФСУНГАР».** Бадиий фильм.
23.15 Аҳолига — граждан мудофаси ҳақида.
23.30 Телеянгиликлар.
24.00 Нятервидение. Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг **«Космос»** павильонидан репортаж.
00.30 Музикали маяк.
00.45 Халқаро темаларда эшиттириш.
01.15 Спорт ҳафта ичида.
01.30 Москва эшиттиришларининг охири.

УЧИНЧИ

ФРУНЗЕ КЎРСАТАДИ
Қирғиз тилида:
18.00 Телеянгиликлар.
«Салтанат» программаси.
18.15 **«Қиз хаёллари»** деган эшиттириш.
18.55 **Янги шеърлар.**
19.00 «УЛЬЯНОВЛАР ОИЛАСИ». Бадиий фильм.
Рус тилида:
20.30 «Бутуниттифоқ бадиий ҳаваскорлик санъати».
21.40 Телеянгиликлар.
21.55 **«Зангори экран»** мехмонлари.

СЕШАНБА 3 ОКТЯБРДА

БИРИНЧИ

Рус тилида:
17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 Болалар учун. «Ғу-ғуғ» деган мультфильм.
18.10 Тошкент истиқболи.
18.30 **Футбол бўйича СССР биринчилиги.** «ПАХТАКОР» — «ДИНАМО» (Москва). Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.
Ўзбек тилида:
20.15 Наманган — гуллар шаҳри.
20.35 **Ярим аср йилномаси.** «ГУЛСАРА». Самарқанд опера ва балет театрининг спектакли олиб кўрсатилади. Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

ИККИНЧИ

Ўзбек тилида:
17.55 Эшиттиришлар программаси.
18.00 **Ўқув эшиттиришлари программаси.** Ўқувчилар учун. Биология. **«Ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши».**
18.45 «ДИМА ГОРИННИНГ МАРТАБАСИ». Бадиий фильм.
МОСКВА КЎРСАТАДИ
20.20 Сенга, ёшлик.
21.00 Телеянгиликлар.
21.15 Ватанимиз далаларида.
21.30 Марксизм-ленинизм асосларини тингловчилар учун. Снёсий иқтисод. **«Снёсий иқтисод нимани ўрганади».**
22.00 Ф. Вольф. «Каттаролик матрослар».
23.30 Телеянгиликлар.
24.00 Москва ва Берлин шаҳарларининг дўстлиги куни.
00.15 Музикали календарь.
01.05 Эфирда «Молодость». Студентларнинг интернационал клуби.
02.00 Москва эшиттиришларининг охири.

УЧИНЧИ

ОЛМАОТА КЎРСАТАДИ
«Қурдастар» ижодий бирлашмаси
17.00 Киноочерк.
17.20 «ҲОСИЛ» программаси.
17.50 **Фан чўққилари сари.**
18.30 Ваҳид Ашимова ва Шулпан Тўхтановалар куйлайдилар.
19.00 Янгиликлар.
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ
Ўзбек тилида:
19.30 Эшиттиришлар программаси.
19.35 **Янгиликлар.**
19.45 **Болалар учун. «Қўрқоқ қизчанинг саргузашти»** деган эшиттириш.
20.05 **«Дўст Австрия диёрида».** Ҳужжатли фильм.
Рус тилида:
20.35 **«Чкаловни эслаб».** Ҳужжатли фильм.
20.55 Гмиря куйлайди.
21.20 Илмий-оммабоп фильм.
21.30 **Янгиликлар.**
21.40 **А. М. Горький туғилган кунининг 100 йиллиги олдидан. «АРТАМОНОВЛАР ИШИ».** Бадиий фильм.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА—3/Х да **Князь Игорь.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРДА—3/Х да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—2/Х да **Гавҳари шамчироқ.**

Кино театрларда

2 ОКТЯБРДА

Замонамиз қаҳрамони (1 ва 2-серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 5 ярим ва 9 да).

Журналист (1 ва 2-серия) — «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК», «МОСКВА» (кечқурун).

Қирол қайиқчилари—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кечқурун).

Ғалаба кўчаси (кеч соат 8 да), **Севги байрамлари** (кеч 6 ва 9-45 минутда)—«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Учинчи король қаерда? — «ЧАЙКА» (кечқурун).

3 ОКТЯБРДА

Замонамиз қаҳрамони (1 ва 2-серия)—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 2, кеч 5 ярим ва 9 да).

Журналист (1 ва 2-серия) — «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН», «СПУТНИК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қирол қайиқчилари—«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Ғалаба кўчаси (эрталаб соат 10, кундуз 2, 4 ва кеч 8 да), **Севги байрамлари** (кундуз 12, кеч 6 ва 9-45 минутда) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Учинчи король қаерда? — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Анна Русских раҳбарлигида Совет Иттифоқида биринчи лилипутлар циркининг

ГАСТРОЛЛАРИ

Томоша кеч соат 7 яримда бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

ЭРТАГА МАРКАЗИЙ „ПАХТАКОР“ СТАДИОНИДА

Ф У Т Б О Л



командалари учрашади.

Ўйин кеч соат 6 яримда бошланади.

А. НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИ

4 октябрда

Л. Фейгин

ҚИРҚ ҚИЗ

премьераси

(3 кўринишли балет)

Қорақалпоқ эпоси—«Қирк қиз» мотиви бўйича А. Кузнецов либреттоси.

Саҳналаштирувчи—Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист **А. Кузнецов.**

Дирижер—**Д. Абдураҳмонова.**

Рассомлар—Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган санъат арбоби **А. Визель** ва **С. Самохвалов.**

Кеч соат 7 да бошланади.

Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

6—8 октябрда

СССР бўйлаб гастроллар

Покистон санъат усталарининг

К О Н Ц Е Р Т И

ПРОГРАММАДА:

Покистон музика, ашула ва рақслари

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Касса кундуз соат 2 дан, район кассалари эрталаб соат 11 дан ишлайди.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 ва 10 октябрда

Ўзбек давлат филармонияси ва эстрадаси солистларининг

К О Н Ц Е Р Т И

Концертда

ОЛМАХОН ҲАЙИТОВА.

Муҳаббат Қизларбекова, Раҳима Рихсиева, Шариф Султонов, Ражаб Исмоилов, Исмоил Бойжонов, Жуманиёз Бекжонов, Жуманиёз Бобоев, Санда Ҳўжаева, Исмат Жўраев, Раҳмон Абдурасулов қатнашадилар.

Музика раҳбари—**Отабой Ҳасанов.**

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Концерт зали кассаси кундуз соат 2 дан, район кассалари эрталаб 11 дан ишлайди.

ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

„ШАРҚ“ маиший комбинати

сунъий гуллар ва гул муляжлар (мева ва сабзавотлар), шунингдек таъзия гулчамбарларига буюртмалар

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Фигельский кўчаси, 9-уй (3, 16-автобусларнинг «Воровский» 5, 7, 12, 26-автобусларнинг «Вино заводи» тўхташ жойлари), телефон Е-6-29-76.

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ИНСТИТУТИГА

техника хавфсизлиги бўйича механик, бино ва иншоотлар бўйича инженерлар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 2-Виборг кўчаси, 5-уй (7, 9, 11, 14-трамвайларнинг «Сопоголок» тўхташ жойи).

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИГА

администратор, саҳна ишчилари

КЕРАК

Тошкент шаҳар, Уйғур кўчаси, 2-уй, кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОН ТЕХНИКАСИ ЗАВОДИ

замонавий электрон техникаси мутахассислигига ўқитиш учун

йигит ва қизларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.

Ўқитиш муддати—бир ярим ой.

Шунингдек **хамма касбдаги ишчилар**

КЕРАК

Завод қошида кечки техникум, ўрта мактаб ва олий ўқув юртларига тайёрлайдиган курслар мавжуд.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 13-уй, кадрлар бўлими (1, 2, 3, 4, 5, 13, 14-трамвайлар, 12, 18, 23, 24, 25, 26, 48, 54-автобуслар, 1, 3, 9 троллейбусларнинг «Дизельная» тўхташ жойи).

БИЛДИРИШ

Шу йил 2 октябрь соат 18.30 да область ва шаҳар партия комитетлари снёсий-маориф уйида халқаро аҳвол, коммунистик ишчи ва миллий озодлик ҳаракатлари юзасидан лекция ўқувчи лекторлар ва пропагандистлар доимий семинарининг навбатдаги машғулоти бўлади.

СССР нинг халқаро аҳволи тўғрисида Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг лектори (Москва шаҳри) лекция ўқийди.

ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПРОПАГАНДА ВА АГИТАЦИЯ БЎЛИМИ.

* * *

ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ХАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИ ТИНГЛОВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Халқ университетининг машғулотлари 4 октябрь кеч соат 7 да округ офицерлари уйида (Энгельс кўчаси) бошланади.

УНИВЕРСИТЕТ СОВЕТИ.

Ҳурматли газетхонлар!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ГАЗЕТАСИГА 1968 ЙИЛ УЧУН

обуна давом этмоқда

«СОЮЗПЕЧАТЬ» КОНТОРАЛАРИ ВА АЛОҚА БЎЛИМЛАРИ БУ ГАЗЕТАГА ЧЕКЛАНМАГАН МИҚДОРДА ОБУНА ҚАБУЛ ҚИЛАДИЛАР.

ОБУНА БАҲОСИ БИР ЙИЛГА 6 СЎМ.

Реклама ва Эълонлар

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»— Орган Ташкентского Горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор—В3-02-49 дан В3-02-58 гача, редактор ўринбосарлари—В3-29-33, В3-29-09; масъул секретарлар—В3-27-22; партия, совет ва касаба союз ташкилотлари, шаҳар хўжалиги бўлимлари—В3-29-42; саноат, қурилиш ва транспорт бўлими—В3-27-03; адабиёт, санъат ва маданият бўлими—В3-29-55; хатлар ва оммавий ишлар, физкультура ва спорт бўлимлари—В3-29-70; фан ва олий ўқув юртлари, иллюстрация бўлимлари—В3-27-57; ахборот бўлими—В3-65-57; эълонлар бўлими—В3-81-42.

2 ОКТЯБРЬ, 1967 Й. Р. 01277. Ўзбекистон Компартия Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64579. Нашр. № 3023.